O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 18-mart • Payshanba • 32-33 (30.153) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

ҲАМКОРЛИК ҚЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 16 март куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

17 март куни Кўксарой қароргоҳида Қозоғистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоевнинг яккамаякка суҳбати бўлиб ўтди. Президентлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар хавфсизлик масалаларига алоҳида тўхталдилар. Терроризм, экстремизм, наркобизнес, қуроляроғ контрабандаси, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши каби таҳдидларнинг олдини олишда, уларга қарши курашишда ҳамжиҳатликда иш юритиш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимиз раҳбари Афғонистон можаросига эътибор қаратиб, Марказий Осиёда ва ҳатто минтақамиз чегараларидан ташқарида ҳам хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш эканини таъкидлади.

Дунёда ахборот макони кенгайиб, энергетика ва экология муаммолари кўпаймоқда. Президентлар икки ва кўп томонлама асосда ахборот хавфсизлиги, энергетик ва экологик хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Айни пайтда озиқ-овқат хавфсизлиги ҳам долзарб эканини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалигида зараркунандалар ва ўсимликлар касалликлари, заҳарланган озиқ-овқат маҳсулотлари контрабандаси каби муаммоларга қарши биргаликда курашиш масалалари кўриб чиқилди.

Президентлар Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида ўзаро мулоқотни давом эттирдилар. Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Дунёда молиявий-иқтисодий бўҳрон ҳукмронлик қилаётганига қарамай, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичи изчил ўсиб бормоқда. 2007 йилдан бу борадаги кўрсаткич 1 миллиард АҚШ долларидан зиёд рақамни ташкил қилиб келмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, бунда хомашёнинг улуши пасайиб, юқори қўшимча қийматга эга саноат маҳсулотларининг салмоғи ортиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП: устувор вазифалар

Партия электорати

билан ишлашда замонавий усуллардан ва умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш бугуннинг муҳим талабидир

Электорат билан ишлашнинг ижтимоий самарадорлигини қандай қилиб ошириш керак? Бу мақсадда қандай замонавий иш усуллари ва умумэътироф этилган технологиялардан фойдаланиш зарур? Партия нашрларини амалда партиялараро баҳс минбарига айлантириш учун нима қилмоқ керак? Мазкур баҳс-мунозаралар жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилиши учун партия ташкилотлари ва марказий органларидан нималар талаб этилмоқда?

2-бет ≫

Сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси ➤2

Ободлик файзу барака келтиради ➤3

Ярашув институтидаги инсонпарварлик ➤4

Фарғоний издошлари ➤8



ШАҲРИСАБЗ ИЛМУ ОДОБ АКАДЕМИЯСИ

4-бет

Тарих — улуғ мураббий. Қадимда Шаҳрисабзни «Илм ва одоб қуббаси» деб аташган. 1-ихтисослашган мактаб интернатнинг ютуқлари анъаналар барҳаётлигини кўрсатиб турибди.

1 САВОЛГА ЖАВОБ

Электоратни ташвишлантираётган муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ҳал этишда БПТнинг ўрни қандай бўлиши керак?

— Партиянинг аъзоларини бирлаштирадиган, улар билан ишлайдиган энг асосий бўғин шубҳасиз, бошланғич ташкилотлардир. Шунингдек, БПТ партиянинг электоратга энг яқин бўғини ҳисобланади. Демак, сиёсий кучнинг салоҳияти, дастурий мақсадларини амалга ошира олиш қобилияти қанчалик даражада экани бошланғич ташкилотларнинг ҳаракатчанлиги, фаолиятининг таъсирчанлиги, ишларининг самарадорлигига бевосита боғлиқ бўлади.

Шунингдек, жойларда юзага келаётган ижтимоий масалаларнинг туб моҳиятини ўрганишда мазкур бўғиннинг ўрни беқиёс. Бундан ташқари, уларда муаммони бартараф этиш юзасидан энг мақбул, ҳаётий таклифлар ҳам бўлади.

Бир мисол келтираман. Бугунги кунда аҳолини иш билан таъминлаш масаласи долзарблиги барчамизга маълум. Бухоро шаҳридаги «Зардўз» хусусий корхонасида касаначилик асосида янги иш ўринлари яратиш юзасидан жуда яхши тажриба йўлга қўйилган. У ердаги бошланғич ташкилотимиз мазкур иш усулини оммалаштириш ташаббуси билан чиқди. Вилоят партия кенгаши эса 800 га яқин бошланғич ташкилотимиз орқали касаначиликни ривожлантириш, хусусан «Зардўз» тажрибасини бошқа жойларда ҳам қўллаш юзасидан ҳаракат бошлаган. Бу эса партиямиз дастурий мақсадларини бевосита амалга оширишга хизмат қилади.

Агар партиямизнинг ҳар бир бошланғич ташкилоти ана шундай самарали фаолият кўрсатса, дастурий мақсадларимиз муваффақиятли амалга ошиши таъминланади, электоратимизни ўйлантираётган муаммолар ўз ечимини топиб боради.

Баҳриддин МУҲИДДИНОВ, ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 16 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1413,79	1 Польша злотийси	548,87
1 Англия фунт стерлинги	2345,70	1 СДР	2378,16
1 Дания кронаси	285,75	1 Туркия лираси	1013,89
1 БАА дирҳами	421,26	1 Швейцария франки	1459,84
1 АҚШ доллари	1546,99	1 Евро	2125,41
1 Миср фунти	282,66	10 Жанубий Корея вони	13,64
1 Исландия кронаси	12,30	10 Япония иенаси	170,77
1 Канада доллари	1519,79	1 Россия рубли	52,64
1 Хитой юани	226,63	1 Украина гривнаси	193,91
1 Малайзия рингити	466,10		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Дунё бўйлаб



Лондон	15°с
Париж	15°с
Москва	-3°с
Мадрид	16°с
Пекин	7°с
Гонконг	26°с
Рим	15°с
Анқара	5°с
Токио	12°с
Стокгольм	2°с
Кейптаун	29°с
Қоҳира	18°с
Гавана	23°с
Вашингтон	18°с
Нью йорк	19°с

18 март об-ҳавоси

Юртимизда

Тошкент	18°с
Самарқанд	20°с
Нукус	12°с
Қарши	25°с
Урганч	13°с
Навоий	14°с
Фарғона	18°с
Бухоро	14°с
Андижон	18°с
Наманган	18°с
Термиз	27°с
Жиззах	20°с
Сирдарё	20°с
Тошкент вил.	20°с

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Савдо-иқтисодий алоқалар давлатлараро муносабатларнинг асосий таркибий қисмидир. Ўзбекистон ва Қозоғистон бу борада улкан имкониятларга эга. Гарчи, товар айирбошлаш ҳажми юксалаётган бўлсада, унинг кўрсаткичлари ана шу имкониятларни тўлиқ акс эттирмайди. Демак, экспорт-импорт маҳсулотлари номенклатурасини яна бир бор қайта кўриб чиқиш зарур. Бундан икки томон ҳам бирдек манфаатдор.

Ўзбекистонда самолётлар, автомобиллар, автобуслар, юк ташиш машиналари, қишлоқ хўжалиги техникаси, кабеллар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади, пахта, пилла, мева ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Қозоғистонда буларнинг барчасига талаб бор. Айни пайтда Ўзбекистон бозорида ҳам Қозоғистон экспортчилари учун кенг фаолият майдони мавжуд.

Энергия манбаларини қазиб олиш, узатиш, транзит қилиш ҳам ҳамкорлик учун яхши соҳадир. 2009 йилда Туркманистон, Ўзбекистон, Қозоғистон орқали Хитойга табиий газ етказиб берадиган қувур ишга тушди. Бу кўп томонлама ҳамкорлик муваффақиятига ёрқин мисолдир. Мамлакатларимиз ёқилғи манбаларининг йирик захираларига эга ва бу соҳадаги алоқаларни ривожлантириш учун икки томонда ҳам имконият етарли.

Икки мамлакатнинг транспорт тармоқлари халқаро транзитдан келадиган даромадни кўпайтириш имконини беради. Автомобиль ва темир йўлларимиздан бир-бирига боғланган ягона умумий тизим сифатида фойдаланишни такомиллаштириш, экспорт-импорт ва транзит юкларнинг эркин ва янада тезкор ҳаракати учун шароит яратиш борасидаги ишларни изчиллик билан мувофиқлаштирилган асосда давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатларимиз ўртасида 2006-2010 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастури ва 2007-2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегияси қабул қилинган. Бу ҳужжатлар савдо, сув-энергетика мажмуи, сармоя, молия, транспорт, коммуникациялар, божхона ва инновация борасида икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини ўзида мужассам этган. Уларни ҳаётга тўла татбиқ этиш орқали товар айирбошлаш кўрсаткичини бир неча ҳисса орттириш мумкин.

Музокарада таъкидланганидек, ишбилармонлар, ишлаб чиқариш корхоналари, вилоятлар ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш зарур.

Икки мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳияти биргаликда юқори технологияли корхоналарни ташкил қилиш, юксак даражадаги қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун яхши замин бўлади. Ўзбекистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам катта миқдорда хомашё мавжудлигини инобатга олиб айтиш мумкинки, айниқса, тўқимачилик, кимё, нефть кимёси каби соҳаларда қўшимча қийматни ошириш учун яхши ресурслар бор.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг илмий ва иқтисодий салоҳияти сув захираларидан унумли фойдаланиш борасида ҳам яхши имкониятлар очади. Хусусан, мелиорация ва ирригация йўналишидаги алоқалар муҳим. Сув тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш, ўзлаштириш, бу борада тажриба ва ахборот алмашиш долзарб масаладир. Бу билан қатор экологик ва ижтимоий муаммоларга барҳам бериш мумкин.

Музокарада Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехника иншоотларини барпо этишда минтақадаги ҳамма давлатларнинг манфаатларини, хавфсизлигини инобатга олиш, бу иншоотларнинг лойиҳасини мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар ҳақида сўз юритганда, бу йўналишдаги ҳамкорлик илм-фан, таълим, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва спорт соҳаларини қамраганини таъкидлаш жоиз. Томонлар маданий-гуманитар ҳамкорликни янада фаоллаштириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Музокара якунида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг Қўшма баёнотига имзо чекдилар. Шунингдек, Дипломатик ваколатхоналар биноларини қуриш учун ер участкаларини тақдим этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2010-2011 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, 2010-2012 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокара очиқ, дўстона рухда, ишчан кайфиятда ўтганини таъкидладилар.

— Ўзбекистон ҳам, Қозоғистон ҳам ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдордир, — деди Ислом Каримов. — 2009 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,3 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Бу 2006 йилдаги кўрсаткичдан икки баравар кўпдир.

— Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик давлат, қадимий маданият марказидир, — деди Нурсултон Назарбоев. — Дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураётганига қарамай, 2009 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланди. Ўзбекистон ва Қозоғистонда ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш учун улкан имкониятлар мавжуд.

Куннинг иккинчи ярмида Президентлар Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу орзу-умидларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Қозоғистон Президенти миллий меъморчилик ва замонавий архитектура анъаналари асосида бунёд этилган муҳташам «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройини бориб кўрди. Пойтахтимиз марказида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди.

Олий мартабали меҳмон Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди. Ҳазрати Имом жомеъ масжиди билан танишди, Мўйи муборак мадрасасида бўлди, муқаддас Қуръоннинг энг нодир қўлёзмаси — Усмон мусҳафини кўздан кечирди.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Абдивоси ХАЙДАРОВ олган суратлар.

Партия электорати

билан ишлашда замонавий усуллардан ва умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш бугуннинг муҳим талабидир

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Куни кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган республика семинарида ушбу масалалар Марказий Кенгаш экспертлари, минтақавий партия ташкилотлари раҳбарларининг ғоявий масалалар бўйича ўринбосарлари, партия нашрлари бош муҳаррирлари, ижодий ходимларининг муҳокамасида бўлди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева иштирокчилар диққат-эътиборини ушбу масалаларга қаратди.

Семинарда Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма йиғилишида кўппартиявийликни ривожлантириш, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ғоя ва дастурлари ўртасидаги рақобатни чуқурлаштириш бўйича билдирган фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқадиган вазифаларга асосий эътибор қаратилди. Партия электорати билан олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ишлар аҳволига холис баҳо берилди. Мазкур ишларни бугунги кун талаби даражасида кучайтириш бўйича аниқ таклифлар кўтарилди.

— Очиғини айтиш керак, чиройли нутқ сўзлайдиган эмас, балки, халқига амалий ишлари билан фойдаси тегадиган сиёсий куч ўз мавқеини сақлаб қолади, — деди **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси Алишер ЮСУПОВ.** — Аммо, илмий изланиш жараёнида шунга амин бўлдимки, ХДП вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидан бирортаси ўз ҳудуди бўйича истиқболга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий дастур ишлаб чиқиб, вакиллик органларига мурожаат қилмаган. Ваҳоланки, бундай ташаббусларни амалга оширишнинг бир қанча имкониятлари бор эди.

Бугунги кун, замонавий жамият, ахборот технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган давр талаб ва имкониятларидан келиб чиқиб, тарғибот ишларида ҳам янги йўналишлардан кенг фойдаланиш зарур. Масалан, партия кенгашларида жамоатчилик билан алоқалар хизмати ташкил этиш мумкин. Тараққий этган давлатларда бу хизмат фаолиятига алоҳида эътибор қаратилади. Мамлакатимиздаги айрим компанияларда ҳам жамоатчилик билан алоқалар хизмати самарали иш олиб бораяпти. Лекин, негадир биз бунга эътибор қаратмаяпмиз.

— Ахборот-ресурс марказлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш лозим, — деди **ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Музаффар ТУРОПОВ.** — Ҳудудимиз мисолида айтадиган бўлсам, бундай марказ фақатгина вилоят кенгашида мавжуд. Бошқа туман ва шаҳар кенгашларида эса бурчаклар ташкил этилган. Бир нечта туман партия кенгашларимиз компьютер, факс, нусха кўчириш аппаратлари билан таъминланмаган. Марказий Кенгашнинг ҳар йилги тегишли қарорларига асосан маҳаллий партия кенгашларимизда ўқув семинарлари ташкил этилмоқда. Мазкур семинарлар материаллари қўлланма сифатида бизга етиб келмоқда. Иш шу билан тўхтаб қолмоқда. БПТга ахборий-услубий қўлланмалар етиб бормаяпти.

— Мен ҳам шу фикрга қўшиламан, — деди **ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши раиси ўринбосари Нигора НУРАЛИЕВА.** — Ахборот-ресурс марказлари зарур маълумотларни ўзида жамлаган, манбага бой бўлиши керак. Ўтган сайлов жараёнларида фаолиятимизнинг айрим нуқталари заиф экани сезилди. Масалан, кўргазмали тарғибот воситаларининг жойларда етарли эмаслиги, баннер, плакатларни замонавий дизайнда, одамлар эътиборини тортадиган услубда тайёрлашда малаканинг етишмаслиги фаолиятимизнинг оқсашига сабаб бўлмоқда.

Хуршидбек ФАЙЗИЕВ, ЎзХДП Наманган вилоят Кенгаши нашри — «Халқ иродаси» газетаси муҳаррири:

— Биринчидан, матбуот нашрларимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш лозим. Яъни, тахририятларни энг замонавий ахборот коммуникация ва бошқа техника воситалари билан тўлиқ таъминлаш зарур. Маҳаллий партия нашрлари тахририятларини ҳам интернет тармоғига улаш, уларнинг сайтларини ташкил этиш, имкон бўлса, республика бўйича барча партия кенгашлари, тахририятларини боғловчи локал тармоқни ташкил этиш керак. Вилоятлардаги тажрибаларни, янгилик ва хабарларни шу тизим орқали тарқатиш чораларини қўллаш яхши самара беради. Намангандаги партия кенгаши ёки тахририяти Қорақалпоғистондаги ёки Хоразмдаги янгиликларни билсин, ўз навбатида улар ҳам бошқалардан хабардор бўлсин.

Бундан ташқари, партиямиз нашрлари ижодий ходимлари учун ҳам йилнинг маълум вақтларида доимий равишда сиёсий ўқувларни ташкил этиб туриш керак. Партия фаолияти, дастурлари, иш жараёнини таҳлил этиб бориш учун аввало журналистнинг ўзи сиёсий жиҳатдан етук бўлиши лозим.

Шунингдек, семинарда партиянинг бошқа кўплаб фаоллари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Хусусан, онлайн тизимида минтақавий партия ташкилотларини бир-бири билан боғлаш, шу тизимда ўқувларни тез-тез ташкил қилиш, энг илғор тарғиботчилар гуруҳларининг тажрибаларини ўрганишни йўлга қўйиш, партия нашрларини партиянинг ҳар бир аъзоси, электоратининг ҳар бир вакилига етиб боришига эришиш юзасидан ҳам таклифлар ўртага ташланди. Семинар сўнггида улар асосида партия ташкилотларининг ғоявий, тарғибот-ташвиқот ишларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Ўзбекистон овози» мухбири Дилафрўз ЗАЙНИЕВА ёзиб олди.

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти конференцияларида

Сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси

бўлишимизда қанотнинг ўрни ва роли катта, — дея таъкидланди Тошкент шаҳар партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти конференциясида

Жуманиёз ЖУМАНИЁЗОВ, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси:

— Аввало шуни айтиш керакки, «Истиқбол» ёшлар қаноти вакиллари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайловлар жараёнида, сайловга оид қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этди. Сайловолди тарғиботида қатнашиб, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сифатида салоҳиятларини намоён қилдилар. Партиямизнинг ёш фаоллари сифатида тажриба орттирдилар.

Шунингдек, энг истеъдодли ёшларимиз сайловда депутатлик ўринлари учун кураш олиб боришди. Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига партиямиздан кўрсатилган номзодларнинг 4 нафари ҳали 30га кирмаган ёшлар экани қувонарли ҳолдир.

Биз ҳудудларда вақтинча ишсиз ёшларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, уларни иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Жамоатчилик қабулхоналарига келиб тушган ёшлар мурожаатларининг аксарияти ижобий ҳал этилишига эришилмоқда. Аммо қанотнинг баъзи туман бўлимлари фаолиятида бир қанча камчиликлар кўзга ташланди. Масалан, Бектемир, Миробод, Ёшлик талабалар шаҳарчаси ва Ҳамза туман кенгашлари «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббус кўрсатиш нари турсин, ҳатто иш режаларида белгиланган тадбирларни ҳам тўла бажармади. Эндиги вазифамиз — бундай лоқайдликларга чек қўйиб, партия фаолиятида ёшлар ўрнини янада оширишдан иборат. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга оширишда партиямиз дастурий ҳужжатларида белгиланган йўналишлар бўйича фаол иштирок этишимиз зарур.

Сардор ДЎСТМУҲАМЕДОВ, Шайхонтоҳур туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси:

— Айтиш керакки, кишида ёшлигидан фаол фуқаролик қарашлари шаклланмас экан, бу жамиятда ўзибўларчилик, лаганбардорлик, бефарқлик каби иллатларни келтириб чиқариши тайин. Шунинг учун ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш олдимизда турган асосий масалалардан биридир. Юксак маънавият ва ҳуқуқий маданият фуқаролик жамиятида яшайдиган ҳар бир инсонга хос хислатлар бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам «Истиқбол» ёшлар қаноти бу масалаларга алоҳида эътибор билан қарамоқда.

Бахтиёр АТАХАНОВ, Собир Раҳимов туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси:

— Қанотнинг олдида катта вазифалар турибди. Очиғини айтганда, биз шу вақтгача қилган ишларимиз билан мақтана олмаймиз. Бошлаган айрим ташаббусларимиз ҳам ҳали охирига етган эмас. Бугун замон олдимизга янада улкан вазифаларни қўймоқда. Кам самара берадиган ҳар хил тадбирлар ўтказишдан кўра кучимиз ва имкониятларимизни ёшлар муаммоларини ўрганиш, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқишга сарфласак, кўзлаган натижага эришишимиз мумкин.

Илҳом ИРИСБОЕВ, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети талабаси:

— Мамлакат тақдирини қўлга оладиган авлод сиёсий жиҳатдан фаол бўлиши талаб этилади. Бундай фаолликни амалда намоён этиш учун сиёсий партия сафида туриб ҳаракат қилиш яхши самара беради. «Истиқбол» ёшлар қаноти аввало ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади. Қолаверса, сиёсий партияга кадрлар тайёрлаш масаласида ҳам унинг алоҳида ўрни бор. Чунки, ўтган йиллар давомида партиямиз сафини тўлдираётган ёшларнинг кўпчилиги ЎзХДПга айнан шу қанот орқали кириб келган. Бугунга келиб эса бир қатор қанот аъзолари, фаоллари партия ташкилотларида ҳам ишлаяптилар.

Конференцияда келгусида ёшлар орасидан «Истиқбол» етакчиларини тайёрлаш, уларнинг сиёсий савияси, ҳуқуқий маданияти ва фуқаролик қарашларини шакллантириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш механизмини яратиш борасидаги вазифалар белгилаб олинди. Анжуман сўнггида ташкилий масалалар ҳам кўрилди. Тошкент шаҳар партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раислигига Жуманиёз Жуманиёзов қайта сайланди.

Гулрўҳ ОДАШБОЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Баҳор қувончлари ва юмушлари

Ободлик файзу барака келтиради

Бухороликлар баҳорги юмушларни аввало, қишлоқдан бошладилар. Ҳар бир кўча, маҳалла маркази, хонадонлар саранжом-саришта қилиняпти, турли гул кўчатлари, мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари экишга киришилди. Бу ишда уларга кўчат етиштиришга ихтисослаштирилган кўкаламзорлаштириш идоралари, ўрмон хўжаликлари ходимлари яқиндан ёрдам беришяпти.

— Ободлик кўнгилдан бошланади, — дейди биз билан суҳбатда Абдулхолиқ Ғиждувоний жоме масжиди имом хатиби Жўрабек Муродов. — Қалбан поклланган инсонгина савобли амалларга қодирдир. Баҳор тадоригини юртдошларимиз улуғ пир — Абдулхолиқ Ғиждувоний зиёратгоҳини ободонлаштиришдан бошлаганлари мана шундан далолат беради. Мажмуа атрофидаги сўлим хиёбонга минглаб туп атиргул кўчатлари, манзарали ниҳоллар ўтқазилиб, ерлар бегона ўтдан тозаланди. Шу боис зиёратгоҳга қадам босган кишининг баҳри-дили очилади.

Вилоятда қишлоқ жойлардаги уйларнинг жозибасини яратиш, уларни замонавий дизайнга уйғунлаштириш борасида ҳам муайян ишлар қилиняпти. Мавжуд 1561 та қишлоқнинг бош режаси қайта кўриб чиқилди. Жойларда қурилиш ва ободонлаштириш, таъмирлаш ишларини бажариш мақсадида 172 та ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Намунавий лойиҳа асосида Паноб, Ғиждуван, Султон Жўра каби ўн бир қишлоқда 60 га яқин замонавий уй-жойлар қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Бугунги қишлоқларни равон йўлларсиз, коммуникация тармоқларисиз тасаввур қилиш қийин. Шу боис бу борада ҳам кенг қамровли ишлар олиб бориляпти. Қисқа вақт ичида 121,9 километр хўжаликлараро йўллар тартибга келтирилди. Қишлоқ аҳолисига қулай бўлсин деган мақсадда туман марказларига қатнайдиган янги транспорт йўналишлари очилди ва ҳозир 11 та автобус, 14 та микроавтобуслар қатнови таъминланди, 9 та янги автобекат қурилди, 55 таси таъмирланди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан бирга барча жойда Баркамол авлод йили Наврўз байрамига ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

— Ниятимиз катта, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Садриддин Шаропов. — Йилимиз мақсад-моҳиятидан келиб чиқиб, байрам сценарийси асосида театрлаштирилган томошалар тайёрлаяпмиз. Уни асосан иқтидорли ёшлар ижро этади.

Ҳа, бугун вилоятнинг қайси гўшасида бўлманг, қизғин меҳнат ҳамда байрам тадоригининг устидан чиқасиз. Энг қувончлиси янги боғ-роғлар, хиёбонлар барпо этилмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўз мухбирларимиз хабар қиладилар

Ромитан туманида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшлар учун қулайлик

Тумандаги «Таъмиркорсервис» масъулияти чекланган жамият жамоаси яқинда Қоқиштувон қишлоғидаги экология лицейи ўқувчилари учун янги ётоқхона қуриб берди.

300 нафарга яқин ўғил-қиз таълим-тарбия олаётган мазкур лицейда ён-атрофдан, ҳатто вилоят марказидан қатнаб ўқийдиган 100 нафар ўқувчи эндиликда бу ғамхўрликдан баҳраманддир. Икки қаватли, ҳамма қулайликларга эга бўлган ётоқхона хоналари 2-3 болага мўлжалланган бўлиб, улар толиби илмларга жуда манзур бўлди.

— — — — — — — — — — —

Қашқадарё ўзанидан унча узоқ бўлмаган жойда жойлашган «Чироқчи Кварц» хусусий корхонасида ўтган йили 5500 тонна дала шпати тайёрланди.

Чироқчининг олтин қуми

Бу олдинги йилга нисбатан 600 тонна кўп демак. Дала шпати — олов ва кислоталар таъсирига чидамли қурилиш материаллари тайёрлаш учун зарур хомашё. Шунинг учун ҳам Тошкентдаги «Огнеупор» МЧЖ, шиша-пластик қувурлар заводи ва бошқа корхоналар Чироқчидан хомашё харид қилмоқда.

Бу йил корхона 6200 тонна дала шпати ишлаб чиқариш ва буюртмачиларга етказиб беришни режалаштирган. Шу билан бирга, корхона учун янги бино ва ишлаб чиқариш цехи қуриш бошланди, табиийки, ўнлаб янги иш ўринлари очилади.

Тафсилот

Буюк Британия ва Франциянинг Грузиядаги элчилари мамлакатнинг «Имеди» телеканали маъмуриятидан яқинда телевидениеда намойиш этилган бир кўрсатув юзасидан кечирим сўрашини талаб қилдилар.

Бир телекўрсатув юзасидан

бошланган можаро

Жумладан, Буюк Британиянинг Грузиядаги элчиси Денис Киф баёнот бердики, «Имеди»нинг бу кўрсатувига на унинг, на Британия ҳукуматининг алоқаси бор. Бу кўрсатув элчига ва Британия ҳукуматига нисбатан ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас. Кўрсатув қадрида элчи интервью бераётган ҳолатнинг пайдо бўлиши ва журналистнинг худди элчи сўзлаётгандек қилиб шарҳ бериши умуман тушунарсиз ва қуюшқонда турмайдиган ҳолатдир. Негаки, элчининг айтишича, бу интервьюда у умуман бошқа мавзу ҳақида қачонлардир гапирган.

Бундан ташқари, Буюк Британия бош вазири Гордон Браун билан Грузия президенти Михаил Саакашвилининг ўзаро мулоқотида кўрсатувнинг бош мавзуси бўлган воқеликни муҳокама қилиши ақл бовар қилмас ҳолат. Ваҳоланки, бу икки шахснинг ўзаро мулоқоти қачонлардир бўлиб ўтган ва суҳбат умуман бошқа мавзуда бўлган. «Имеди» журналисти эса айнан ўйлаб топилган мавзу бўйича бу икки раҳбарни «сўзлатган».

Франциянинг Грузиядаги элчиси Эрик Фрунье ҳам кўрсатув мавзуси юзасидан қачон ва қаерда интервью берганлигига хайрон қолмоқда. Қачонлардир умуман бошқа мавзу бўйича берган интервьюси айнан шу кўрсатув тасвирига «ёпиштирилиши» ва унинг овозини эшиттирмасдан худди у гапираётгандек журналистнинг шарҳ беришини ақл бовар қилмас ҳолат, деб баҳолади. Шу боис у телеканал раҳбариятидан ушбу кўрсатув нусхасини унга жўнатишларини талаб қилди. Элчи «ўз интервьюси» матнини чуқурроқ таҳлил қилмоқчи, дейилади «Интерфакс» АА хабарида.

Эслатиб ўтамиз: Грузиянинг «Имеди» телеканали жорий йилнинг 13 март куни ўйлаб топилган бир уйдирма кўрсатувни эфирга узатган. Кўрсатувда намойиш қилинишича, гўё Жанубий Осетия раҳбари Эдуард Кокойтига қарши террор содир этилган. Россия ҳарбий қўшини Грузия ҳудудига бостириб кирган. Президент М. Саакашвили ҳалок бўлган, мамлакатда Нино Буржанадзе бошчилигида янги ҳукумат тузилган...

Ҳар қандай одамда воқеалар худди ҳаётда юз бергандек тасаввур уйғотувчи бу кўрсатувнинг боши ва охирида «шунчаки ўйлаб топилган воқеалар ҳақида сўз кетмоқда» деган бир қатор ёзув экран тасвирида намойиш этилган.

Ушбу кўрсатувдан сўнг Грузияда саросима ва ваҳима бошланган. Кўп одамларда юрак ҳуружи юз берганлиги боис тез тиббий ёрдамга кўплаб қўнғироқлар бўлган.

«Имеди» телеканали раҳбариятининг бу ҳаракати Грузия мухолифати ва халқаро ҳамжамият томонидан қаттиқ танқид остига олинди.

Президент М. Саакашвили эса ушбу кўрсатув сюжетига умуман унинг алоқаси йўқлиги, бу кўрсатувни эфирга узатишдан олдин «Имеди» раҳбарияти ундан рухсат сўрамаганлиги ҳақида баёнот берди.

Манбалар асосида
Алимбек ТОШБЕК
тайёрлади.

Тадбир

Йил якунланди. Премьера бошланди

«Ўзбеккино» миллий агентлигида давлат буюртмасига асосан ўтган йили суратга олинган фильмларга бағишланган ижодий конференция бўлиб ўтди.

— Президентимиз 2004 йилда қабул қилган «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонидан кейин фильмларни суратга олиш ишлари тубдан яхшиланди, — деди «Ўзбеккино» миллий агентлиги бош директори Аъзам Исҳоқов конференцияни очар экан. — Ўтган олти йил ичида давлат буюртмасига асосан 60 та бадиий фильм, 485 та ҳужжатли фильм ва 42 та мультфильм яратилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида давлат буюртмаси асосида 15 та бадиий фильм, 9 та мультфильм ва 60 дан ортиқ ҳужжатли фильмлар устида иш олиб борилди. Бундан ташқари, хусусий киностудиялар ҳам ҳар йили кўплаб фильмларни тақдим этишяпти.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда кино саройларимизда, телеканалларимизда миллий фильмларимизнинг намойиш этилиши одатий ҳолга айланди. Миллий фильмларимиз халқаро кинофестивалларда ҳам эътироф этиляпти. Ўтган йили Эстонияда «Ўзбек кино санъати кунлари», Туркманистонда «Ўзбек киноси ҳафталиги» ўтказилди. Юртимизда ҳам соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшадиган қатор нуфузли тадбирлар ташкил этилди.

Санъатшунос, филология фанлари номзоди **Шуҳрат Ризаев** ўтган йили яратилган бадиий фильмларни чуқур таҳлил этди. У «Нариги соҳилда» (режиссёри С.Назармуҳамедов) фильмида режиссёр ўтган фильмларида ишлатган рамз ва ишораларидан такроран фойдаланганлигини мисоллар асосида тушунтирди, аҳамиятли бўлмаган ҳодисаларни фавқулодда воқеадай талқин этишга уринганини таъкидлади. «Илова» (режиссёри Ё.Тўйчиев) фильмида режиссёрлик, актёрлик, рассомлик, операторлик ишларини эътироф этгани ҳолда, муҳаррирлик иши қиёмига етмаганига эътиборимизни қаратди.

— «Таҳдид» (режиссёри Ҳ.Насимов) фильмида таниқли ва иқтидорли актёрлар жамланган, лекин уларнинг истеъдоди Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, ўтин ёришга сарфланган, — деди маърузачи. — Кино санъати ибтидосида сўз турар экан сценарийга жиддий эътибор бериш керак.

Шу ўринда «Қорақалпоқфильм» студияси ўтган йили замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланганини эслатишимиз зарур. Шу боис улар тақдим этган «Ўғри» ва «Курорт» (режиссёри Б.Низаматдинов) бадиий фильмлари тасвирга олишдан монтаж ишларига «Қорақалпоқфильм» студияси томонидан амалга оширилган илк кино маҳсулотлари ҳисобланади.

Киношунос, санъатшунослик номзоди **Сабоҳат Ҳайтматова** Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси ҳамда бошқа студиялар ўтган йили, айниқса, портрет жанрида эътиборга молик ҳужжатли фильмлар яратганини айтди. Шу билан бирга у «Жалолиддин Румий» ҳужжатли фильмида матн ва мусиқа уйғунлашмагани, «Бухоро сўзаналари» ҳужжатли фильми тасвирлари чўзилиб кетганини гапирди.

Киношунос **Феруза Нодирова** ўзбек халқ эртаклари асосида мультипликацион фильмлар олинаётгани ва уларда эртакчи бобо ҳикоясидан унумли фойдаланаётганлиги, ўтган йили «Олтин танга» (Н.Тўлахўжаев), «Зўраки фолбин» (М.Маҳмудов) каби фильмлар муваффақиятли чиққанини мамнуният билан қайд этди. Шунингдек, мультфильмлардаги тасвир ва сўзларни бугунги кун томошабини дидига янада яқинлаштириш мақсадга мувофиқ эканлигига тўхталди.

Конференцияда сўзга чиққан киношунослар ҳам ўтган йили ишланган фильмлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида, — деди Аъзам Исҳоқов конференцияни якунлар экан, — «Ўзбеккино» Миллий агентлиги зиммасига тўртта бадиий фильм ва ўнта мультфильм яратиш белгиланган. Бу фильмларни яратиш борасида ишларни бошлаб юбордик. Шу кунларда ўтган йил охирларида суратга олинган фильмларимизнинг монтаж ишлари ниҳоясига етаяпти. Барчангизни шу йилдаги биринчи премьерага — «Учар қиз» (режиссёри Ё.Тўйчиев) бадиий фильми тақдимотига таклиф қиламан.

Кино премьералари бошланди. Демак, кино санъатида ижодий ишлар қизғин давом этяпти.

Асрор МЎМИН

Фавқулодда ҳолат

эълон қилинди



АҚШнинг Массачусетс, Коннектикут, Нью-Жерси ва Род-Айленд штатлари губернаторлари ушбу худудларда табиий офат юз берганлиги боис фавқулодда ҳолат эълон қилди.

Якшанба куни АҚШнинг шимоли-шарқий қисмига ёпирилган жала аралаш кучли шамол ва унинг натижасида дарёларнинг ўзанларидан тошиб, сув тошқинларию тупроқ кўчкиларини юзага келтиргани шундай чора белгилашга мажбур этди.

«Associated Press» АА хабарига кўра, табиий офат натижасида 9 киши ҳаётдан кўз юмди. Пенсильвания, Нью-Жерси, Нью-Йорк ва Коннектикут штатларида ярим миллион хонадон электр энергиясиз қолди. Офат юз берган ҳудудларда шамолнинг тезлиги сониясига 31 метрга етган.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ САМАРҚАНД ШАҲАР БАНДЛИККА КЎМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗИ

2010 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш буйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
1	Самарқанд шаҳар бандликка кўмаклашувчи маркази маъмурий биноси қурилиши	541 641 316 сўм	451 367 763 сўм	6 ой

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги махсус жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд шаҳар бандликка мўмаклашувчи маркази

Манзили: Самарқанд шаҳри, Беруний кўчаси, 41-уй, ***телефон:*** (8366) 229-71-76.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини бахолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: ***Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.***

Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00 да** ўтказилади.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«ПАСТДАРҒОМ ТИКУВЧИ» МЧЖ ШАКЛИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

2010 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
1	Пастдарғом тумани, Жума шаҳарчасидаги «Пастдарғом тикувчи» маиший хизмат кўрсатиш уйини реконструкция қилиш	829 512 274 сўм	691 260 228 сўм	8 ой

Қурилиш ишлари «Пастдарғом тикувчи» МЧЖ шаклидаги ишлаб чиқариш корхонаси ўз маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: «Пастдарғом тикувчи» МЧЖ шаклидаги ишлаб чиқариш корхонаси

Манзили: Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Жума шаҳри, ***телефон:*** (8366) 273-83-43.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини бахолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: ***Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.***

Тел: 231-13-51, ***факс:*** 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00 да** ўтказилади.

Баркамол авлод — мамлакат келажаги

Шаҳрисабз илму одоб академияси

ёки мамлакатимиздаги энг нуфузли мактаблардан бири ҳақида

Ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялашда мактабнинг ўрни беқиёс албатта. Мактаб ҳаёт йўлида биринчи масала экани исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир. Мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан таълим тизими бутунлай қайта ислоҳ этилди. Унинг моддий-техника базаси замон талабларига мос равишда мустаҳкамланди. Бугун нафақат шаҳарлардаги, ҳатто чекка қишлоқларимиздаги муҳташам мактабларимизни кўриб, узоқ-яқин хориждан келган меҳмонлар ҳавас қилаганига кўп гувоҳ бўлганмиз.

Бироқ мактабларимизнинг фақат муҳташам бинолари эмас, балки бу масканларда меҳнат қилаётган ўқитувчилар малакаси, таълим-тарбия олаётган ёшларимизнинг истеъдоди ҳам эътироф этилмоқда. Шаҳрисабз шаҳридаги 1-ихтисослашган мактаб-интернат фаолияти бунга мисол бўла олади.

— Аввало, шундай мактабларни ташкил этган, маблағ ва эътиборини аямаётган Юртбошимизга, давлатимизга раҳмат, — дейди ҳаяжон билан Рустам Аҳмеджонов. — Катта ўғлим Умиджон ушбу таълим даргоҳида яхши ўқиди, информатика фани бўйича Республика олимпиадасида биринчи ўринни эгаллади. Натижада, Тошкент давлат ахборот технологиялари университетига имтиёзли қабул қилинди ва ҳозир учинчи курс талабаси. Танлов ва синовдан муваффақиятли ўтган яна бир ўғлим Жамшид 2- ва қизим Моҳинур 9-синфда таълим олаяпти. Фарзандларимнинг устозларидан чексиз миннатдорман.

— Рости, боласини бу мактабда ўқишини орзу қиладиганлар жуда кўп, — дейди Маъмура Ниёзова. — Бу ерда таҳсил олган тўнғичим Одилжон ўз кучи билан Тошкент давлат ахборот технологиялари университети талабаси бўлди, қунт билан ўқиб магистр дипломини олди. Кенжа ўғлим Ойбекжон ушбу мактабнинг 10-синфида ўқийди. Яна нима дей? Боланинг қобилиятини тарбиялаш учун аввало ўқитувчи фидойи бўлиши керак экан. Ана шу мураккаб ва қутлуғ ишни амалга оширишда Шарофиддин Зайниддиновнинг хизматлари катта.

Бу зиёли инсон Тошкент давлат университетининг механика-математика факультетини тамомлаган. Ўзи туғилиб ўсган Шаҳрисабз шаҳридаги мактабларда ишлади. Кейин 13-ўрта мактаб директорлигига тайинланди. 1997 йилда Республика ТАСИС лойиҳаси дастурини тузиш гуруҳи аъзолари қаторида Голландияда бўлиб, таълим тизими билан яқиндан танишди. Ана шундан кейин мактабда махсус фанларга йўналтирилган синфлар тузиш ғояси амалга оша бошлади. Дастлаб математика ва биология фанлари ажратиб олинди. Иқтидорли ўқитувчилар етарли эди, бироқ ўқувчиларни танлаш тизими ишлаб чиқилмаганди. Шунда Термиз давлат университети профессори, психолог Ботир Қодиров таклиф қилинди ва ўқувчилар тестдан ўтказилди. Бир мактабда иқтидорли болаларни ажратиб ўқитиш жараёнида қуйидаги муаммолар кўндаланг бўлди: ўз синфида етакчи бўлган ўртамиёна ўқувчи фаоллар қаторига чиқа олмади. Демак, баҳоларга қараб ўқув гуруҳларига ажратиш ножоиз экан, энг паст ўзлаштирувчи шўх болаларнинг бир синфда тўпланиши таълим-тарбия ишида муаммо пайдо бўлишига олиб келаркан.

Бу аччиқ хулоса ва сабоқ эди. Шунда Шарофиддин Зайниддинов ҳукуматимизнинг таълим соҳасидаги ғамхўрлиги ва амалга ошаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, иқтидорли болаларни алоҳида мактабда ўқитиш масаласини ўртага қўйди. 1997 йилда 13-мактаб базасида ва янгидан қурилган қўш қаватли бинода ихтисослаштирилган мактаб-интернет ташкил топди. Қарши давлат университети ва Тошкентдаги Сирожиддинов номидаги лицей-интернат ўқитувчилари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу ҳам замон талаби эди. Бундан уч йил олдин Қашқадарё вилоятида ихтисослаштирилган мактаблар 34 та эди. Вазирлар Маҳкамасининг айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори талабига жавоб бера олмайдиган мактаблар қисқариб кетди.

Шаҳрисабздаги ўқув маскани эса I-ихтисослаштирилган мактаб-интернетга айлантирилди. Айрим эътиборли воқеаларни ёдга олмоқ лозим. 1999 йилда тарих фани ўқитувчиси Ҳабибулла I-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан, 2000 йилда мактаб директори Ш.Зайниддинов «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.

2002 йилда мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ш.Раҳмонов «Ёш ҳуқуқшунослар» Республика кўригида биринчи ўринни эгаллади. 2007 йилда 11-синф ўқувчиси Умиджон Аҳмеджонов Республика фан олимпиадасида I-ўринни эгаллади.

Яна ўқувчилар иқтидори ва ўқитувчилар заҳмати маҳсули бўлган айрим рақамларни келтирмоқ жоиз. 1998 йилдан бошлаб мактабни битириб, олий ўқув юртига кирган ўқувчилар ҳисобланганда, кўрсаткич 90 фоиздан кам эмас. 2006-2007 ўқув йилида 40 ўқувчининг 39 нафари, 2008-2009 йилнинг битирувчи 51 ўқувчисидан 48 нафари олий ўқув юртларига ўқишга киришибди.

— Ҳозир математика фани бўйича услубий бирлашмамизда тасдиқланган мавзу бўйича очиқ дарс бўлади, — деди директор. — Дарсга ўзим кираман. Биз ўқитувчиларнинг малакаси бўйича доим мониторинг ўтказиб турамиз. Майли, сиз ҳам машғулотлардан бирида қатнашинг. Танаффус вақтида суҳбатлашамиз.

2008 йилда «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» Республика кўрик-танлови совриндори, ўзбек тили ва адабиёти фани муаллими Қаҳрамон Сафаров дарс ўтаётган 6 «А» синфига кирдик. Қарши давлат университетини 1997 йилда битирган Қаҳрамон ўтган дарс атоқли адибимиз Саид Аҳмад асарлари таҳлилига бағишланганди. Ўқитувчи ниҳоятда нотиқ эди. Аммо бошқа нарса мени ҳайратга солди. У мавзуни ўқувчиларнинг ўзларига гапиртирарди. Масалан, сатирик ёки юмористик асар нима эканлигини ўқувчиларнинг ўзлари изоҳлаб беришди.

— Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ, — дейди Қаҳрамон Сафаров. — Чунки ўқувчиларнинг барчаси синовлардан ўтган иқтидорли болалар. Гарчи, мактабимиз математика, тарих, кимё-биология фанларига чуқур йўналтирилган бўлса-да, ўқувчилар она тили ва бошқа жаҳон тилларини яхши ўрганишлари лозим. Бу борада 4 мингтага яқин дарслик, 2 мингга яқин бадиий асар ва 500 га яқин услубий қўлланмалар сақланаётган кутубхонамиз ёшларнинг севимли маскани. Бундан ташқари, болалар кутубхонадаги компьютер ва унга уланган интернет сайти саҳифаларидан ҳам фойдаланишади.

11-синф ўқувчиси Олимжон Маҳмудов 5-синфдан бошлаб шу мактабда таълим олмоқда. У келгусида юрист бўлмоқчи экан. Тарих фани билан баробар инглиз тилига жуда қизиқаркан. «Шаҳримизга Голландиядан келган меҳмонлар билан бир сафар бемалол инглиз тилида фикр алмашдик», — дейди у кувониб. Чиндан ҳам мактабда хорижий тилларни ўқитиш яхши йўлга қўйилган. Инглиз тили фани ўқитувчилари Фароғат Қосимова ва Дилфуза Тоғаевалар 2006-2007 йилларда «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» Республика кўрик-танловида совринли ўринларни эгаллашибди.

— Ҳамкасбларимнинг мулоҳазаларига тўла қўшиламан, — дейди математика ва информатика фани муаллими, 2006 йилда «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» Республика кўрик-танлови совриндори Мўмин Қурбонов. — Мен йигирма йилдан буён ўқитувчиман. Шогирдларим Жамшид Аҳмеджонов, Суннат Ҳалимов ва Нурали Раҳматовлар 2008 йилда «Электрон дарсликлар ва веб-саҳифалар яратиш» бўйича Фарғонада ўтказилган Республика конкурсида 2-даражали диплом билан тақдирланишди.

— Ўқитувчиларимиз билан танишдингизми, жуда соз, — деди кулимсираганча Шарофиддин Зайниддинов. — Шу мактабга раҳбарлик қилаётганимга йигирма тўрт йил бўлибди. Ўтган йилларда анча янгиликлар юз берди. Мактабнинг барча синфлари замонавий ускунлар билан жиҳозланган, буни кўрдингиз. Узоқдан келувчилар учун 150 ўринли ётоқхонамиз, яхши ошхонамиз бор. Хўп, энди таълим ва танловга ўтсак. Аввало, 30 нафар ўқитувчининг барчаси танлов асосида ишга қабул қилинган. Ҳукуматимиз қарорига асосан, тузилган янги Низомга кўра, ўқитувчилар меҳнатига қараб 20 фоиздан то 40 фоизгача устама ҳақ тўлаш жорий қилинган. Ўқувчиларни бешинчи синфдан, танлов асосида қабул қиламиз. Улар 11-синфни шу жойда битиришади. Ҳозир 391 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Мактабимизнинг ўзига хослиги шундаки, иқтидорларни кашф этишнинг алоҳида тизими ишлаб чиқилган. Булар билан ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Шуҳратжон таништиради.

Ўн бир йилдан буён меҳнат қилаётган Шуҳрат Ботиров тарихчи экан. 2004 йилда «Йил ўқитувчиси» Республика кўрик-танлови ғолиби бўлибди. Ўзбекистон телевидениесининг «Ватан» студияси томонидан тайёрланган «Муаллим-маънавият қуёши» номли кинофильмнинг ҳам бош қаҳрамони Шуҳратжон. Унинг юзлаб шогирдлари нуфузли олий таълим даргоҳларида ўқишмоқда. У бизни дастлаб ижодкор ўқитувчи ва ўқувчилар билан таништирди. Айримлари билан суҳбатлашдик. Шулардан бири 8-синф ўқувчиси Шоҳжаҳон Қултўраевнинг 2009 йилда Тошкентдаги «Муҳаррир» нашриётида «Шаҳрисабз: афсона ва ҳақиқат» номли китобчаси босилиб чиқибди.

— Мен Шаҳрисабз шаҳри тарихига жуда қизиқаман, — дейди Шоҳжаҳон. — Анча маълумот тўпладим ва китобчам чоп этилди.

— Шоҳжаҳон менинг шогирдим, — дейди тарих фани ўқитувчиси Ҳабибулла Муртозаев. — Фарзандларимиз Ватанимиз ва жаҳон тарихини пухта ўрганишлари учун бугун шароит етарли. Иқтидорли ўқувчилар мактабидаги машғулотлар эса бошқа ўқув даргоҳларидан анча фарқланади. Биринчидан, машғулотлар чуқур ўтилади. Иккинчидан, мактабдан ташқари тўгарак ва ижодий клублар фаолияти яхши йўлга қўйилган.

— Мен айнан таълимнинг ўзига хослиги ҳақида гапирай, — суҳбатни давом эттиради Шуҳрат Ботиров. — Аввало, бизда иқтидорли болаларнинг имкониятини мунтазам аниқлаб бориш дастури ишлаб чиқилди. Чет тилини чуқур ўргатиш ва ЭҲМда амалий кўникмалар ҳосил қилиш дастури ҳам яхши натижа бераяпти. Иқтидорли ўқувчиларнинг ғоялари амалий ихтироларини қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. 2000 йилдан буён «Илмга ихлосмандлар клуби» фаолият кўрсатиб келаяпти. «Олимпиада захиралари» маркази ўқувчиларнинг қобилиятини кашф этишнинг ўзига хос тажриба масканига айланган. Республика, вилоят кўрикларида юқори натижага эришган ва эришаётган ўқувчиларимизнинг кўпчилиги ана шу марказ машғулотларига қатнашган ва қатнашмоқда. Хуллас, ўқитишда чекланган мезон ва ўқитувчи ижодкорлигида яхлит қолип бўлиши мумкин эмас.

Тарих — улуғ мураббий. Қадимда Шаҳрисабзни «Илм ва одоб қуббаси» деб аташган. I-ихтисослашган мактабнинг ютуқлари анъаналар барҳаётлигини кўрсатиб турибди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Божхона бекати

«Сотка»нгиз оригиналми?

Дўстлар билан уяли телефонлар ҳақидаги суҳбатларимиз кўпинча айни юқоридаги савол билан бошланади. Тўғри, имкониятлари кенг янги телефонлар бозори чаққон. Аммо машҳур брендлар остида ноқонуний равишда мобил телефонлар ишлаб чиқариш ва уни савдога олиб кириш ҳоллари кузатилмоқда.

Навоий вилояти божхоначиларига фуқаро О.Темиров қиймати 12 миллион сўмлик 13 дона уяли телефон, шунингдек, 25 дона Flash Card ва бошқа воситаларнинг божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи бironта ҳам ҳужжатни тақдим қила олмади. Ҳужжати йўқми, демак...

Дубайдан қайтган фуқаро М.Мустафаев Тошкент аэропортида бироз «ушланиб» қолди. У 19 дона уяли телефонлар ва 125 дона USB Flash Card ларни яширинча олиб ўтаётган эди. Қонунбузар қиймати салкам 4,6 миллион сўмлик ушбу маҳсулотлар ҳақида на божхона баённомасида, на оғзаки сўров пайтида маълум қилишни «унутиб» қўйибди.

Сурхондарёлик божхоначилар томонидан «Нексия» русумли автомобиль божхона назоратидан ўтказилганда, унда термизлик Н.Жумаев томонидан 23 дона уяли телефонлар яширинча олиб кетилаётганлиги аниқланди. «Nokia», «Simens», «Samsung», «Motorolla» каби машҳур маркадаги ушбу телефонларнинг божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжати сўралганда Н.Жумаев ер чизиш билан жавоб берди.

Андижон вилояти Хўжаобод туманининг чегарадош ҳудудида фуқаро А.Ибрагимова Хитойда ишлаб чиқарилган 30 дона «Nokia» телефонларини яширинча олиб киришга уринган эди. Бўлмади. Шунингдек, вилоят божхоначилари томонидан фуқаро Д.Мирзамўйдинова 143 дона «Nokia» ва «Samsung» русумли уяли телефонларни ҳеч қандай ҳужжатларсиз юртимизга ноқонуний олиб киришга уринган пайтда тўхтатиб қолинди.

Ҳозир ушбу ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари давом эттирилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати.

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти

Кечиримлилик ва инсонпарварлик

ярашув институтида яққол намоён бўлмоқда

Дунёда қанча давлат, миллат бўлса, уларнинг бир-бирига ўхшамайдиган, ўзига хос жиҳатлари кўп. Ўзбек халқи ҳақида гап кетса, қўни-қўшни, маҳалладош қувончига шерик бўлиш, мусибатидан қайғуриш, адашиб, хато қилганларни тўғри йўлга солиш, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши учун кўмаклашиш, кечиримлилик каби олижаноб фазилатлари эътироф этилади. Мустақиллик йилларида амалга киритилган қонунларда ҳам бу қадриятлар ўзининг ифодасини топди, десак хато бўлмайди.

Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Айниқса, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши ва ярашув институтининг жорий этилиши халқимизнинг инсонпарварлик ва кечиримлилик хусусиятини тўла намоён қилди.

Гарчи ярашув суд тизимида янги ҳуқуқий усул бўлса-да, у миллий қадрият сифатида асрлар давомида такомил топиб келган. Ярашув институти жорий қилинганига кўп вақт бўлган эмас, аммо ундан самарали фойдаланилмоқда. Бу эса, ўз навбатида ортиқча сансалорлик ва харажатларни бартараф этмоқда.

Ярашув институтини қўллаш амалиёти йилдан-йилга кўпайиб бораяпти. Масалан, Тошкент вилояти бўйича 2002 йил ярашилганлиги муносабати билан 452 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди. 2008 йил бу рақам 1561 нафарга, 2009 йил эса 2193 нафарга етган. Агар бу рақамларга айбдорларнинг оила аъзолари ва яқин кишиларининг манфаатдорлигини қўшсак, яна минглаб инсонларнинг тинч ҳаёт тарзи сақлаб қолингани аён бўлади.

Жиноят кодексига ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти киритилганидан буён унинг доирасига тушувчи моддалар сони кўпаймоқда. 2001 йилда жиноят қонунининг 26 та моддасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишларга нисбатан ушбу институтни қўллаш назарда тутилган бўлса, унга кейинчалик яна 5 та модда киритилди. «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида» қонун қабул қилингунга қадар Жиноят кодексининг 31 та моддасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар бўйича ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланилиши мумкин эди. Мазкур қонун билан Жиноят кодексининг яна 9 та моддасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланилиши мумкин бўлди.

Юқоридаги қонун қабул қилингунга қадар ярашув институти кўпроқ Жиноят кодексида белгиланган шахснинг жисмоний дахлсизлигига тажовуз қилиш билан боғлиқ ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга нисбатан қўлланилар эди. Эндиликда, асосан белгиланган қоидаларни бузиш билан боғлиқ жиноятларга нисбатан қўлланилиш назарда тутилди.

Ярашилганлиги муносабати билан ишни тугатишнинг афзаллиги шундаки, биринчидан, жабрланувчига етказилган зарарнинг тез ва тўлиқ қопланиши таъминланади. Иккинчидан, жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилгани учун судланмаган ҳисобланади. Учинчидан, айбдорни кечириш орқали улар жазоланмасдан тарбияланади.

Айрим мисолларга мурожаат қилайлик. Бекобод туманида яшовчи М.Шербеков фуқаро И.Қосимовни уриб тан жароҳати етказган. Ишдаги тўпланган далиллар ва судда аниқланган ҳақиқий ҳолатларга кўра, айбланувчи М.Шербеков ўзига эълон қилинган айбга тўлиқ иқрор бўлиб, жабрланувчи И.Қосимов билан дастлабки тергов давомида ярашган, жабрланувчи ихтиёрий равишда даъвосидан воз кечган. Айбланувчи жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаган. Шунинг учун М.Шербековнинг жиноят иши ҳаракатдан тугатилди.

И.Маматқулов ўзига тегишли енгил автомашинани бошқариб кетаётиб, пиёда Й.Олмановни уриб юборган. Натижада Й.Олманов ўртача оғирликда тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилган. Айбланувчи И.Маматқулов айбига тўлиқ иқрор бўлиб, дастлабки тергов даврида жабрланувчи билан ярашган. Судда жабрланувчи ўз даъвосидан ихтиёрий равишда воз кечиб, айбланувчи унга етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, ярашув ўзининг ихтиёри билан бўлганлигини баён этди. Суд ажримига кўра, И.Маматқуловнинг жиноят иши жабрланувчи билан ярашганлиги сабабли айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан тугатилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Судлар томонидан ярашув институтининг татбиқ этилиши қанчадан-қанча жабрланувчиларга ва давлатга етказилган моддий за маънавий зарарни қоплашга, энг асосийси айбдорларнинг «судланган» деган айбдан халос бўлишига имкон бераяпти.

Мухтасар айтганда, ярашув институтининг самарали қўлланилаётгани инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан ҳимоялланган манфаатлари устувор қадрият сифатида эъзозланаётгани тасдиғидир.

Юсуп ИЛҲОМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раиси ўринбосари.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ



БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ, НАФОСАТ АЙЁМИ — НАВРЎЗИ ОЛАМ БАЙРАМИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Бошқарма тасарруфида фаолият юритаётган шифобахш, табиий иқлимга, маъданли сувларга ва барча даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларида даволаниш ва дам олишга Сизларни чорлаймиз.

Тошкент шаҳрида:
«ТУРОН» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«ЧИНОБОД» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Ҳазм аъзолари, қанд (диабет) ва гинекологик касалликлар.

Тошкент вилоятида:
«БОТАНИКА» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон-томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«БЎСТОН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон-томир, асаб, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«УМИД ГУЛШАНИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Гинекологик, андрологик, асаб ва эндокрин касалликлар.

«ОҚТОШ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Бухоро шаҳрида:
«СИТОРАИ МОҲИ ХОССА» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Буйрак касалликлари (ёз фаслида), ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлар.

Жиззах вилоятида:
«ЗОМИН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Қашқадарё вилоятида:
«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак, асаб тизими, ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«МИРОҚИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Наманган вилоятида:
«ЧОРТОҚ» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиши, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«КОСОНСОЙ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон-томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари.

Самарқанд вилоятида:
«АБУ АЛИ ИБН СИНО» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари.



Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Фарғона вилоятида:
«ЧИМЁН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Хоразм вилоятида:
«ХОНҚА» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон-томир, асаб тизими, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари.

ДАВОЛАНИШ МУДДАТИ — 14 КУН.

Йўлланмаларимиз Марказий Осиёда энг арзон йўлланмалардир!

Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади. Шу билан бирга Курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, МДҲдаги курортларга йўлланмалар олишингизга ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 256-85-68, 256-70-97.

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Наврўз айёми билан барча юртдошларимизни қутлайди.

Эл фаровонлиги, Ватан равнақи, юрт ободлиги йўлидаги бунёдкорлик, хайрли ва эзгу ишларингизда омадлар ёр бўлсин.

Чўл бағрида Мустақиллик шарофати билан бунёд этилган корхонамизда асосан ёшлар меҳнат қилмоқда. Қисқа давр ичида улкан завод билан биргаликда Қоровулбозор шаҳарчаси ҳам бунёд этилди.

Кўплаб уй-жойлар, тиббиёт муассасалари, мактаблар, лицейлар, коллежлар қурилди. Маданият саройлари, спорт-соғломлаштириш объектлари барпо этилди. Айни пайтда бу ерда бунёдкорлик ишлари давом эттириляпти. Йилига кўплаб замонавий ҳовли-жойлар фойдаланишга топшириляпти.

Халқимизни баҳор байрами билан қутлар эканмиз, ҳар бир хонадонга тинчлик-хотиржамлик, осойишталик ва фаровонлик тилаймиз!

Бухоро автомобиль ва йўллар коллежи жамоаси

Барча юртдошларимизни Наврўз байрами билан қутлайди.



Миллий қадриятларимизнинг ёрқин ифодаси бўлган айёмда баркамол авлод тарбиясига масъул фидойи педагогларимизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат тилайди.

ГАЖК «Узбекистон темир йуллари» объявляет тендер **№2, 2010** года на приобретения по ниже следующим лотам согласно графика поставки **(2-3 квартал 2010 года).**

Лот №1. Дробилка шековая с простым движением шеки в количестве 1 единицы.

Лот №2. Дробилка конусная среднего дробления с пружинной амортизацией и механическим регулированием щели в количестве 1-х единицы.

Лот №3. Грохот инерционный в количестве 2-х единиц.

Лот №4. Грохот инерционный в количестве 4-х единиц.

Лот №5. Питатель пластинчатый количестве 1 единицы.

Лот №6. Экскаватор одноковшовый гусеничный в количестве 1 единицы.

За тендерной документацией и за техническим заданием обращаться по адоесу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Узбекистон темир йуллари» Управление «Темирйулёнилгитаъмин», комната 410 тел: 237-94-72, 237-96-33, тел-факс 140-00-23.

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования объявления в средствах массовой информации.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ

ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т.р	Объект номи	Бошланғич қиймати, млн. сўм	
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан
1.	Жиззах вилояти, Зомин туманидаги Жиззах насос станцияси 3-кўтармасининг №103 дан №183 гача катокли устунлар оралиғидаги диаметри 3640 мм. босимли қувурнинг сиртқи қисмини коррозияга қарши ҳимоялаш	183,014	219,616
2.	Жиззах вилояти, Зомин туманидаги Жиззах насос станцияси 2-кўтармасининг босимли қувур атрофидаги лотокли сув тушиш иншоотини капитал таъмирлаш	353,567	424,280

Ишларни тугаллаш муддати: 2010 йил 1 октябргача.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Сирдарё вилояти, Ховос тумани, Мустақиллик қўрғони.

Телефон/факс: 72-22-33.

Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.

«Тошкентдонмаҳсулот» акциядорлик жамияти жамоаси

TDM

Баҳор нафаси уфуриб турган ушбу қутлуғ кунларда барча юртдошларимизни Наврўзи Олам билан самимий қутлайди.



Галла мустақиллигига эришган она Ватанимиз халқининг дастурхони тўкин, турмуши фаровон бўлаверсин!

Юртимиз осмони мусаффо ва осойишта, қалбларимиз иймон ва фидойиликка ошно бўлаверсин.

Халқимизнинг байрамлари, тўйлари, яхши кунлари кўпаяверсин!

«ТОШКЕНТВИНО КОМБИНАТИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни баҳор ва гўзаллик байрами Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади.

Қадимий ва навқирон, саховатли заминимиздаги ҳар бир оила ва хонадонга тинчлик-тотувлик, бахт-саодат, меҳру муҳаббат, фаровонлик тилайди.

Озод ва ҳур Ватанимиз Баркамол авлод йилида янада гуллаб-яшнасин. Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч бўлсин!



XXI аср — Интеллектуал бойлик асри

Фарғоний издошлари

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали доценти, физика математика фанлари номзоди Аббосхон Ҳайдаров илмий изланиш олиб бораётган мавзу юзасидан Германиянинг Лейпциг, Буюк Британиянинг Лидс ва Корея Республикасининг Хан Йанг университетлари олимлари билан ҳамкорликда ишламоқда. Эндиликда ёш олимлар Фарғонада туриб, беш қитъа олимлари билан у ёки бу тадқиқот хусусида теппа-тенг баҳслашаётгани таълим ислоҳотининг яна бир самарасидир.



Фарғоналик ёш олим илмий изланишидан кўзланган асосий мақсад наноўлчамли пластик материалларни олиш ҳамда унинг хусусиятларини ўрганиш эди. У олган натижалари бўйича ёзган илмий мақолаларини дунёнинг шу соҳадаги энг нуфузли илмий нашрлари «Europian Polimer Journal» («Европа полимер журнали»), «Polimer International», «Polimer Bulletin»да ҳам эълон қилди.

Наноўлчамли диблок юпқа плёнкаларда наноструктуралар ҳосил бўлиши, полимер аралашмаларини тадқиқ қилиш, термопластик полимерлар ва металлар орасидаги адгезияни ўрганиш ва наноўлчамли композицион материалларнинг тузилиши ҳамда хоссаларини аниқлаш бўйича ўтказган тадқиқотларига Европа ва Осиёнинг етакчи олимлари — профессорлар В.Хамлей, С.Перриер, Ф.Кремер, Ч.Пападокис, С.Им ва бошқалар юқори баҳо берди. Аббосхон Ҳайдаров илмий хулосалари асосида юқори қувватли манбаларда изоляторлар, автомобилсозликда деталлар ва замонавий дизайн элементлари ишлаб чиқарилади. Шу боис уни амалиётда қўллаш дунё аҳамиятига эга иқтисодий самара бериши кутилмоқда.

— Ўқув юртимизда ёш олимлар илмий изланиши учун барча шарт-шароит муҳайё, — дейди илмий ишлар бўйича филиал директори ўринбосари Фазлиддин Полвонов. — Айниқса, илм даргоҳига Президентимизнинг ташриф буюргани, бу ерда таҳсил олаётган талабалар, ўқитувчи-профессорларга қимматли маслаҳатлар бериб, эзгу тилаклар билдиргани руҳимизни кўтариб юборди. Ҳозирда олимларимиз ўнлаб йўналишда фундаментал илмий тадқиқотлар устида иш олиб боряпти.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«О1» огоҳлантиради

Ҳаётимизни табиий газсиз тасаввур қилиб бўлмайди. У бугун рўзғоримизнинг дастёрига айланган. Лекин ундан фойдаланишда озгина эътиборсизлик ҳам катта ташвиш олиб келиши мумкин.

Эътиборсизлик оқибатлари

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ва газ идораси ходимлари бирга ўтказаётган рейдларда хонадонларда, иш жойларида, шахсий ошхоналарда ўзбошимчалик билан қоидаларга зид равишда газ қувурига уланиб олиш ҳолатлари кузатилмоқда. Март ойи бошига қадар 13 минг 540 маротаба рейд ўтказилиб, улар давомида 26 мингдан ортиқ боғча, мактаб, мехрибонлик уйлари, олий ўқув юрти, даволаш муассасалари ва 2 миллион 400 мингга яқин фуқаро хонадонлари ва кўп қаватли уйлар текширувдан ўтказилди. Мазкур жараёнда аниқланган 23345 та камчилик жойларда бартараф этилди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузаётганлар фаолияти вақтинча тўхтатилди ҳамда уларга нисбатан маъмурий жазо қўлланилди.

Йилнинг ўтган даврида республикамиз ҳудудида мингдан зиёд ёнғин содир бўлиб, унда 21 нафар фуқаро ҳалок бўлган. Таҳлилларга кўра, ёнғин асосан аҳолининг эътиборсизлиги, ва газдан нотўғри фойдаланиши оқибатида юзага келган.

Мамлакатимиз ҳудудига хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган турли хил газ ва электр асбоблари олиб келинаяпти. Айрим фуқароларимиз улардан фойдаланиш технологияларини яхши билмайди. Оқибатда кўнгилсиз воқеалар содир бўлади. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Ю.Ҳамдамов кўчасидаги Ботировлар хонадонида таъмирлаш ишларини олиб бораётган 7 нафар фуқаро Эронда ишлаб чиқарилган газли иситиш печидан чиққан ис газидан заҳарланиши оқибатида бевақт оламдан кўз юмди.

Бундай иситиш мосламалари мутахассис ёрдамида ўрнатилиши керак. Ундан фойдаланиш қоидаларини билиб олиш лозим. Шундай бўлса, ўша кўнгилсиз ходиса рўй бермас эди. Хорижда ишлаб чиқарилган иситиш мосламаларидан фойдаланиш қўлланмалари чет тилида ёзилгани, шу боис аҳолининг кўпчилик қисми уни тушунмайди. Мутасадди ташкилотлар, савдо ходимлари, тижоратчиларимиз масаланинг ана шу томонига жиддий эътибор бериши керак, деб ўйлаймиз.

Яна шуни таъкидлаш керакки, аксарият ёнғинлар ҳам аҳоли турар-жойларида содир бўлмоқда. Демак, маҳалла билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш даркор. Улар эътиборсизлик ёки қонунқоидага амал қилмаслик оқибатида молу-мулклари саноқли дақиқа ичида ёниб кул бўлиши мумкинлигини англаши зарур.

Газ билан боғлиқ кўнгилсизликларга йўл қўймаслик мақсадида қуйидагиларга риоя этиш фақат фойда келтиради.

— газли иситиш печларидан фойдаланишда ишлатиш қоидаларига риоя қилиш, тунги вақтда газ иситиш печларини ўчириш;

— печларни ёқилган ҳолатда назоратсиз қолдирмаслик;

— номаълум бўлган газ ва электр иситиш печлари харид қилганда ўрнатиш ва таъмирлаш ишларини фақатгина мутахассислар ёрдамида ўтказиш;

— носоз, қўлбола ясалган газ ва электр иситиш мосламаларидан фойдаланмаслик;

— газ ускуналарига резина шланг орқали уланмаслик;

— газ ҳиди сезилса чироқ ва учқун чиқарувчи мосламалардан фойдаланмаслик, хонани шамоллатиш чорасини кўриб, дарҳол бу ҳақда газ хизматига хабар бериш;

— иситиш печлари ва уларнинг мўриконларининг созлигига эътибор бериш.

Ушбу қоидаларга риоя қилинса, инсон аввало, ўзининг ва яқинларининг ҳаёти ҳамда мол-мулкини сақлаган бўлади.

Улуғбек ВАФАЕВ,
Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси муҳандиси.

Самарқанд иккиламчи қораметалл шўъба корхонаси жамоаси барча юртдошларимизни Навруз айёми билан муборакбод этади.

Баҳорий кайфият ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси Ўзбекистон Қаҳрамони, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли 166-темир йўл машина бекати машинисти, ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзоси **Ҳамза МАҲКАМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси жамоатчи фотомухбир Ҳусан Тўғизовга отаси **Мавлон ТЎҒИЗОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«СУРХОНПАХТАСАНОАТ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

Халқимизни янгиланиш ва яшариш фасли — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Бободеҳқонларимизнинг пешона тери эвазига яратилган Ўзбекистоннинг юқори навли пахтаси рақобатбардошлиги билан жаҳон бозорида ўз ўрнини топди.

Бунда «Сурхонпахтасаноат» ҲУДУДИЙ акциядорлик бирлашмаси жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
16312 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 22.10
Topshirilgan vaqti — 23.45
1 2 3 5
Sotuvda erkin narxda